

Бугун мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган фарзандларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим бериш борасидаги жараёнлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид меъёрий ҳужжатлари, асосийси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Фармони бажариш борасидаги амалга оширилаётган ишлар давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш каби энг муҳим масалага қаратилганлигини кўришимиз мумкин.

Халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи кўп жиҳатдан ўқитувчи ва унинг савиясига, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги муносабатига боғлиқ.

Бугунги давр ўқитувчи зиммасига жуда катта маъсулиятлар юклайди, буларнинг энг асосийси — дарснинг самарадорлиги, унинг сифатлилиги, турли хил машғулотларни ташкил қилиши орқали ўқувчиларнинг пухта билим, кўникмаларга эга бўлишлари учун педагог касбий маҳоратига эга бўлмоғи лозим.

Бугунги кунда ҳамма фанлар каби иқтисодий фанларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Мухтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, “....мустақил фикрлайдиган, ўз она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган янги авлодни тарбиялаш бугунги кун устоз муаллимларни янада ғайрат ва шижоат билан ишлашга ундайди, десак адашмаймиз. Ўзбекистон эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, хусусан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, бунинг ёрқин ифодасидир”.¹

Маълумки, республикаимиз таълим тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад, уни жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишдан иборат. Шу боис, ривожланган давлатлар таълим тизимида қўлланилаётган илғор тажрибаларни ўрганиш, уларни таълим тизими ва унинг жараёнларига жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тажриба, амалиётга кириб келиши, шунингдек ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилди.

Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган фидойи, ўз касбининг моҳир устаси, билимли, тажрибали, интилувчан, фаолияти натижасини кўзлай оладиган,

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи , 01.09. 2015

мақсадига эришиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиладиган, ўқувчилар билан мулоқот ўрната оладиган, ўз гоё ва фикрларига шерик қила олиш қобилиятига эга бўлган ўқитувчилар ҳам ҳозирги кунда кўпчиликни ташкил қилади. Бундай моҳир педагог-устозлардан бири Касби тумани 7-сонли умумий ўрта таълим мактабининг иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиси Хуснора Олимовадир. У ўз фаолиятида дарс машғулотларини интерфаол усуллардан, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб ташкил этишга ҳаракат қилади.

Унинг фаолиятини кузатганимизда, “Мулк ва хусусийлаштириш” мавзусида олиб борган очик дарс машғулоти педагог маҳоратининг юқори даражада ташкил этилганининг гувоҳи бўлдик.

Бундай маҳоратли ўқитувчининг илғор тажрибалардан фойдаланиб дарс ўтишини юксак баҳолашимиз мумкин ва бошқа педагогларга ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ўқитувчимиз Ҳ.Олимованинг ўқувчилари 4 йилдан буён фан олимпиадалари ва “Билимлар беллашуви” каби турли танлов ва беллашувларнинг мактаб, туман ва вилоят босқичларида нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда. Улардан, Ҳалимова Гулсанам 2013 йил 25 майда бўлиб ўтган “Билимлар беллашуви” туман босқичида 8-синфлар ўртасида 1-ўрин, вилоят босқичида эса 2-ўринни эгаллади. Ярашова Диёра 2012 йил 1 июнда Касби тумани 7-умумий ўрта таълим мактаби 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган III-босқич (худудий) фан олимпиадасида 3-ўринни эгаллаб, худудий халқ таълими бошқармаси томонидан махсус гувоҳнома билан тақдирланган, 2013-2014 ўқув йилида туман босқичида фахрли 1-ўринни эгаллагани учун Қашқадарё вилояти халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш Касби туман бўлими томонидан диплом билан тақдирланди, 2014 йил умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Билимлар беллашуви” вилоят босқичида фахрли 2-ўринни эгаллаганлиги муносабати билан Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 2-даражали диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланган, шу йил 24 майда намунали хулқи, аъло баҳоларда ўқиганлиги учун “Билимлар беллашуви”да фаол иштироки ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги учун 7-умумий ўрта таълим мактаби директори томонидан фахрий ёрлиқ билан мукофотланган. Яна бир ўқувчи Қўйлиева Фаризода 2015 йил феврал ойида билимлар беллашувида қатнашиб, туман босқичида 2-чи ўринни эгаллади ва фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Олимова Хуснора Ҳалимовна 1996 йилдан бошлаб ушбу мактабда фаолият юритиб келмоқда. Иш фаолияти давомида ўтказилган “Билимлар беллашуви” ва фан олимпиадаларида ўз фани бўйича ўқувчи ёшларни тайёрлаб, уларнинг фахрли ўринлар эгаллашига муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Бу фаолияти учун мактаб маъмурияти томонидан ҳам фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Намунали очик дарслар ўтиб ҳамкасблари ўртасида ўз ижодкорлигини кўрсата олади. Ота-оналар ва маҳалла ҳамкорлигида амалга оширадиган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Биз Хуснора Олимованинг ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашига, иқтисодий саводхонлигини янада оширишига, уларнинг баркамол ва комил инсон сифатида шаклланишига ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдирамиз. Шунингдек, 1 октябр – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбдан табриклаймиз, педагоглик фаолияти давомида янада улкан марраларга эришишига тилакдошмиз.